

## БИР ЎЧИБ, СЎНИБ... ЯНА ЁНИШ БОР

Гулноза Эрназарова

*филология фанлари номзоди, доцент  
Қарши Давлат университети қошидаги  
ВХТХ ҚТМО ҲМ*

Ҳар қандай миллий адабиётда рўй берган инқилобий бадий янгилиниш даврининг ўз сарбони бўлади ва унинг таъсири жуда узоқ вақт иқтидорлар ижодида акс этиб туради. Масалан, адабиётшунослар рус адабиётидаги асил лирик поэзия А. Пушкиндан бошланганига кўп урғу берадилар: “Унинг асарлари тўғрисида бебаҳо деб айтиш кифоя қилади. У ўз орқасидан бутун адабиётимизни, юзага чиққан ҳамма талантларни эргаштириб олиб борди, у пайдо бўлгандан бошлаб элегия-қўшиқ лирик поэзиянинг ягона тури бўлиб қолди...”(1, 93-94). Олимнинг бундай мулоҳазалари беихтиёр XX аср ўзбек шеъриятида А. Пушкин миссиясини ким бажарди? – деган ҳақли саволнинг ўртага чиқишига сабаб бўлади. Шунда беихтиёр XX асрнинг 20-йилларида барча ёш шоирларни ўз изидан эргаштирган, янги ўзбек шеъриятининг истеъдодли намояндаси Абдулҳамид Чўлпон сиймоси кўз олдимиздан намоён бўлади. Зеро, бу шоирнинг А.Пушкиндан таъсирлангани (унинг ижодидан намуналар ҳам таржима қилган), жуда кўп шеърларида ўз “мен”ига улкан ижтимоий дардларни жамлагани кўринади. Зотан, Чўлпонга эргашган, уни ўзига устоз санаган ўша даврнинг ўзбек ёш шоирлари, хусусан, Ойбек ижодида ҳам медитатив лириканнинг яхши намуналари бор (2).

Инглиз шоири Перси Биши Шелли таъкидлайдики: “Поэзияга доимий равишда лаззат ҳамроҳдир; у кимгаки илтифот этса, у лаззатбахш поэзияга дохил, донишмандликка мойил бўлади. Инсониятнинг болалик чоғида шоирлар ҳам, тингловчилар ҳам поэзиянинг нақадар гўзаллиги, жозибалилигини ўзлари ҳам билмас эдилар ва бу ҳақда ҳеч кимга, ўзларига-да ҳисоб бермас эдилар”(3, 104). Бадий асарнинг лаззатбахшлик завқи, эстетик дидни шакллантиришдаги вазифаси, инсон тафаккурига психологик босим ўтказиши – буларнинг барчасини аниқлаш ва ўрганиш бугунги кун адабиётшунослари зиммасида турибди. Лирик асар ўз табиатига кўра ҳамма вақт фикр ва ҳис-туйғуларнинг уйғунлигидан пайдо бўлади. Фақатгина фикр, маълум бир ғоя илгари сурилгани ҳолда ўша шеърий асар матни эмоционаликдан холи бўлса, табиийки, бундай асар ўқувчига таъсир кўрсатмайди. Шеърий асар фақатгина ритмик-оҳангли поэтик унсурлардан таркиб топиб, унинг мазмунига эътибор берилмаса, бундай шеърий асар ҳам юксак эстетик қийматга эга бўлмайди. Шу эътибордан “медитация” тушунчаси лирик асарнинг бутун мазмун-моҳиятига, рубобий

табиатига, эмоционал шаклига тўғри баҳо бериш учун, асил поэзияни курук қофиябозликдан фарқлаш учун бугунги адабиётшуносликда жуда қўл келади.

Рус адабиётшунослари Пушкиннинг бевосита йўлда кетаётган сайёҳ ва умуман, теварак-атрофни кузатаётган инсон назарини баён қилган “Жинлар”, “Ҳаёт араваси” шеърларини тавсифий-медитатив шеърлар қаторига киритганлар. Бундай шеърларда лирик қаҳрамон йўлда кетаётган, теваракни тавсифлаётган бўлса-да, айтиш мумкинки дамда йўл ҳам образ, ҳам поэтлик восита сифатида шеър семантикасига сингдирилади. Зеро, йўл тушунчаси бадиий адабиётда узок қадимдан бери инсоннинг “ҳаёт йўли”, “янги йўлга кириш”, “тарихий йўл” сифатида ҳаммиса рамзий-метафорик мазмун ташиди. Шу жиҳати боис йўл хотиралари сифатида ёзилган медитатив лириканинг намуналарида моҳиятига кўра кўпқаламлилик мавжуд. Айтганда “йўл” денотати кўп бора такрорлангани сабабдан муайян бир шоир ижодида образ ҳолатига келиши ҳам мумкин. Масалан, Чўлпон насрида ҳам, назмида ҳам “йўл”нинг турли поэтлик талқинлари учрайди. 1921 йили ёзилган “Йўл эсдалиги” сафарномасидаги лирик чекинишларда шоир ўз мақсадлари, руҳий изтироблари, ўзлигини топиш жараёнини ёритишда рамзий лирика билан Шарқ тасаввуф адабиётини бири-бирига пайвандлаб бетакрор поэтлик мақсадга эришади. Шу нуқтага диққат қаратган зукко чўлпоншунос Д.Қуронов бу масала тўғрисида шоирнинг “Юрт йўли”, “Ишқ йўли”, “Меним йўлларимда”, “Уч-тўртта юлдуз”, “Созим” каби бир қанча шеърларини эслаб ўтгандан кейин “Айтиш мумкинки, Чўлпон шеърлятида “йўл” образи мақсад – миллий озодлик ва таракқий йўлидаги кураш рамзи сифатида талқин этилади” (4, 88), – деб ўринли таъкидлайди.

Ҳақиқий илҳом билан ёзилган асарларда ижодкорнинг бутун ички олами, дарду изтироби, ижтимоий-маънавий оламга муносабати намоён бўлади. Шунинг эътиборга олиб, Г.Н. Поспелов ўзига хос категориал характерга эга бўлган медитативлик тушунчасини инсон “фикр ва туйғуларининг бевосита ифодаси” сифатида тавсифлайди.

Зеро, медитативлик лириканинг категориал белгиси деб қаралганда қуйидаги тизим кўзга ташланади:

1) лирик қаҳрамоннинг ички олами намоён бўлиши жараёнида ўз-ўзини тафтиш қилиши;

2) шеърини матнда эмоционалликнинг мавжуд бўлиши;

3) фикр ва туйғунинг уйғун ифодасида одам ва олам ҳақидаги мушоҳадавий-фалсафий умумлашмалар берилиши.

Аслида, маънидан, ҳисдан йироқ бўлган асар бировнинг кўнглига ўтирмайди. Шоирнинг ўзи ҳайратланиб ўзи ҳаяжонга тушмаса, ундай тоифадаги шеърлар бошқалар қалбидан ўрин олмайди. Медитатив лирика намуналари сирасига ижод аҳлининг энг гўзал ва эстетик қийматга эга асарлари киради.

Медитатив лириканинг айрим турларида тавсифийлик етакчи бўлади. Тавсифий шеърларда кўпроқ воқеликка асосланган бўлиб, бундай медитатив шеърлар жумласига саёҳат хотиралари, шеърий мактуб тарзида битилган лирик шеърлар киради.

Медитатив шеъриятни муҳокама қилганда табиат тасвири, элегиявий шеърлар, хотира, бағишлов ва бошқа турли шеърларнинг ижтимоий ҳамда муаллифга доир индивидуал қирралари эътиборга олиниши лозим. Хусусан, ижтимоий муаммолардаги зиддиятлар, кичик доирада кўзга ташланган воқеликнинг умуминсоний мазмун касб этиши, ўқувчини ўйлашга, фикрлашга, мушоҳада қилишга чорлаши жиҳатидан медитатив шеъриятнинг уфқи кенгайди.

1919 йилдаёқ ўзининг “Гўзал”дек миллий поэзия дурдонасига айланган шеърини ёзган шоир Чўлпон учун ижтимоий-сиёсий мавзунини медитатив шеъриятнинг пафоси билан ифода қилиш олиш зўрма-зўракиликсиз кечгани табиий ҳолдир.

*Айтарларким, совуқ, ғамли, қора қиш  
Ўтиб кетиб, келмиш чиройлик баҳор.  
Гулга ошиқ бўлиб сайрар эмиш қуш,  
Гул ҳам у қушларга нозланиб қарар.*

(“Шарқ қизи” 1920 й.)

Шарқ қизи “ўйланган маъно”ни таший оладиган жондай яқин топилма. У эрка бўлган чексиз эҳтиёжни, озодликни соғиниш ва исташни ўз эркисизлиги билан ёрқин акс эттира олади. Образ ҳолатининг Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий аҳволи билан айнанлиги эса дардни янада чуқурлаштиради, шеърнинг оғриқли таъсирини оширади.

Шеър ўқувчи қалбини ўзига яқин ва таниш образ Шарқ қизининг эркисиз сиймоси билан забт этади, руҳи ва тафаккурини нолалари билан титрата олади.

Эркини англаш ва англатиш шоир шеъриятининг бош мақсадига, сарбон туйғусига айланишининг асосий сабаби шундаки, 20-йилларга келиб “Чўлпон ўз идеали, яъни миллий мухториятни амалга оширишнинг иложи йўқлигини англаб етган эди. Шоир янги воқелик ва янги тил талабларига мутаносиб равишда, ўзининг интилишларини “хаёл деб атайди” (5). Шоир юзма-юз тургани ҳаёт ҳақиқатига миллий истиқлол ва жумҳуриятчилик ҳақиқатини қарши қуяр экан, ҳаёт ҳақиқати олдида ўз орзу истаклари “хаёл”га айланаётганини тан олади. “Шарқ қизи”нинг “ўйлар”идан шодлик топиши, жисму жонининг “хаёл” билан овуниши сабаблари ҳам шундандир.

*Кўнгилдаги муҳаббатнинг учқунин  
Хаёлимнинг бир бурчида беркитдим.  
Ул учқуннинг кучлигидан сийнамда  
Ҳеч тузалмас, оғир яра бор этдим.*

(“Хаёли” 1920 й.).

Миллат тафаккуридан Озодлик ва Эрк қайғусининг чекиниши, унинг ўрнини эса узлуксиз очарчиликлар сабабли нон қайғуси эгаллаётгани ижтимоий қулликдан фожиалироқ бўлган оқибат – шуурий қулликка олиб келишини англаган шоир озодлик ва эркини ўзининг олий идеал даражасига кўтаради. Шу боис, унинг шеърларидаги ҳар бир сўз эрк ва озодлик нафасини ташийди. У том маънодаги эркпарастга айланди. Эрк — муқаддас туйғу. Уни бўлар — бўлмас сўз ва тушунчаларда ифодалаб фақатгина қадрини тушириш мумкин, шу сабаб эрк истагини сатрлари қатига яширади. Чўлпон эркини севишини, соғинишини, унинг учун курашиш аъмолига айланганлигини истейдод қудрати ва жазбаси билан ифодалай олади. Эрк шоир учун шунчаки баландпарвоз орзу эмас, балки ҳаётининг мазмуни, яшашдан мақсади, умиди, эртаси. Онги шуурини забт этган хаёли. У шу хаёл билан тирик:

*Хаёл, хаёл... ёлғиз хаёл гўзалдир,  
Хақиқатнинг кўзларидан қўрқамен,  
Хаёлдаги юлдузларким амалдир,  
Оловимни алар учун ёқамен.*

дея изҳори дил қилар экан, Чўлпон хаёлдаги эркини ҳақиқатнинг кўзларидаги тутқунлик ва ўлим шарпаларидан қўрқиб кўнглида соғинади. Шоир ўз руҳиятидаги эркини соғиниш туйғуси билан табиатнинг эрка ошнолик хусусиятида тирикликнинг буюк қонуниятини кўради:

*Дарё ошиқ, тоғлар ошиқ, қуёш ишиқ  
Қорлар ошиқ, сувлар ошиқ, денгиз ишиқ  
Маъшуқалар кула-кула қочарлар  
Ошиқлари йиғлай-йиғлай топарлар  
Ўзларини ҳалокатга отарлар,  
Баъзилари тилакларга етарлар,  
Кўпларида ерга сингиб кетарлар...*

Медитатив шеърият сир даражасидаги дардни табиат тимсолида ташишда намоён бўлади. Чўлпон 20-йиллар ўзбек шеъриятига янги бир хусусият юклади. У табиатни инсонлаштирди. Бу билан инсон дарди, истак ва орзуларини табиат ҳодисаларига, манзараларига боғлаб ўз поэтик мақсадини амалга оширди. Табиатнинг ўзи каби сержило, жонли, табиий ва самимий бу поэзияда сирли ҳақиқат ва хаёл рамзлар воситаси билан ўқувчи шуурида шоир англаган эрк ва истиқлол моҳиятини очишга хизмат қилди.

“XX аср бошидаги ўзбек шеъриятига давр шиддатига мос оҳанглар, исёнкор фикр ва туйғулар ифодасига мувофиқ шакллар зарур эди. Янги шеъриятни яратиш йўлида асримиз бошида майдонга кирган кўплаб ижодкорларимиз изландилар. Шу изланишларнинг энг яхши жиҳатлари

Абдулхамид Чўлпон шеъриятида ўзининг мужассам ифодасини топди. Шу боис ҳам биз Чўлпонни ҳақли равишда новатор шоир деб атаймиз”(4, 28). Даставвал француз адабиётида, XIX асрнинг биринчи ярмидан рус адабиётида қўлланила бошлаган рамзий лирика XX асрнинг бошларида Туркия адабиётида ҳам етакчилик қилган эди. Рус ва турк адабиётининг жуда яхши билимдони бўлган Чўлпон учун рамзий лирика ўз фикрларини, шахсий ҳукмини ифодалашнинг энг қулай воситаси бўлиб хизмат қилди. XX аср ўзбек шеърияти учун Чўлпон феномени ўзига хос, бетакрор ҳодисадир. Чунки унга замондош бўлган шоирлар шеъриятининг ҳеч бирида бунчалар кучли, сержило, рамзларга бой, миллат ва юрт дардидан яралган ва шу дардни миллатдошлари шуурига таший оладиган шеърлар шодасини, улар каби мазмунан яхлит бир руҳий гармония ҳосил қилган миллатпарварлик ифодасини кузатиш мумкин эмас. Бироқ, шоир миллат қачондир ўзлигини англашига, тақдирини ўзгартиришига, миллий истиқлолга эришишига ишонади. Зотан, “ўлим” унинг руҳияти, шуури ва курашининг моҳияти учун тамоман бегона эди. Шунинг учун ҳам у катъий ишонч билан:

*Йўқ... ўлим йўқдир!*

*Ёлғиз бир ўчиб, бир сўниш бордир.*

*Бир ўчиб, сўниб... яна ёниш бор.*

*Яна баҳорлар,*

*Яна лолалар,*

*Яна сиз, эй... Эркин тилаклар!–*

(“Баҳорни соғиндим” 1926 й.).

дея юртнинг, миллатнинг истиқлолига умидвор бўлиб ёзди ҳамиша. “Дилни вайрон қилувчи фарёдлар ва норозиликлар катъий сўз шаклини олгач, исён ўзининг бирламчи хусусиятини (вайрон қилиш – изоҳ Г.Э.) йўқотади ва унинг ўзи яратувчи, ижодий кучга айланади. Моҳиятан давримиз санъатининг жўшқин услуби бу, энг олий исёнга даъватни ифода этишдир. Ақлга зид равишда санъатпарастлик бу, ўз қобиғига ўралашиб қолиш, шаклини топган исён эса даҳоликдир” (6, 30). Чўлпоннинг ўзи яшаб турган тузумдан норозилиги, эрксизликдан бўғилган кўнгли охир-оқибат шу тузум ғояларига, мафкурасига қарши исён қилишига сабаб булди ва бу исён эркпараст, миллатпарвар шоирни даҳо санъаткор даражасига кўтарди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. В.Г.Белинский. Мақолалар. Ўзбекистон давлат нашриёти. Тошкент. 1948 йил, 93-94-бетлар.
2. Улуғбек Ҳамдам. “Ўттизинчи йиллар ўзбек шеъриятида “соф лирика” муаммоси”. филология фанлари бўйича номз.дис.–Т., 2004.
3. Перси Биши Шелли. Ғарб шамоли. Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти. 2014 йил, 104-бет.

4. Д.Куронов. Чўлпон насри поэтикаси. Тошкент. Шарқ нашриёти-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2004 йил, 88-бет.
5. Ингеборг Балдауф. «Ҳақиқат ахтариб», Миллий тикланиш газетаси 1998 йил 27 октябр.
6. А.Камю. Избранное. –Москва. “Правда”. 1999. г. стр-30